

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НЕМАТОВ АЛИШЕР ШЕРМУХАММАДОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ГИРШПРУНГ КАСАЛЛИГИДА ҚОРИН ОРАЛИҚ
ПРОКТОПЛАСТИКАДАН КЕЙИНГИ АСОРАТЛАР САБАБИ ВА
УЛАРНИ КОРРЕКЦИЯ ҚИЛИШ УСЛУБЛАРИ**

14.00.35 – Болалар хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Нематов Алишер Шермухаммадович

Болаларда Гиршпрунг касаллигида қорин оралиқ проктопластикадан кейинги асоратлар сабаби ва уларни коррекция қилиш услублари..... 3

Нематов Алишер Шермухаммадович

Причины осложнений после брюшно-промежностных проктопластик у детей с болезнью Гиршпрунга и способы их коррекции..... 25

Nematov Alisher Shermukhammadovich

Causes of complications after abdominoperineal proctoplasty in children with Hirschsprung's disease and methods of their correction..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 53

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НЕМАТОВ АЛИШЕР ШЕРМУХАММАДОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ГИРШПРУНГ КАСАЛЛИГИДА ҚОРИН ОРАЛИҚ
ПРОКТОПЛАСТИКАДАН КЕЙИНГИ АСОРАТЛАР САБАБИ ВА
УЛАРНИ КОРРЕКЦИЯ ҚИЛИШ УСЛУБЛАРИ**

14.00.35 – Болалар хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН– 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2.PhD/Tib4738 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Оллабергенов Одилбек Тожиддинович тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Эргашев Бахтиёр Бердиалиевич тиббиёт фанлари доктори, профессор Сапаев Отабек Кодирович тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2025 йил «__» _____ соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс:(+998)74-223-94-50;e-mail:info@adti.uz, Андижон давлат тиббиёт институти мажлислар зали

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.М. Мадазимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Ф. Нишанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.Р. Абдуллажанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа докторлик диссертацияси (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Болалардаги Гиршпрунг касаллиги йўғон ичакнинг кенг тарқалган оғир туғма нуқсони бўлиб, аксарият ҳолларда мураккаб ва баъзан катта реконструктив пластик коррекцияловчи хирургик операцияларни талаб қилади. 2011-2015 йилларда нашр этилган Европа туғма нуқсонлар рўйхатга олиш Ассоциацияси маълумотларига кўра, Гиршпрунг касаллиги билан касалланиш 404 та ҳолат 10000 та туғилишга тўғри келади. Ўзбекистонда ушбу касалликнинг бўйича статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, Республикада ҳар йили Гиршпрунг касаллигига чалинган 200 га яқин бола операция қилинади¹. Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб етакчи клиникаларида, болаларда Гиршпрунг касаллигини даволашнинг кўплаб усуллари ва услублари таклиф этилишига қарамай, операциядан кейинги яқин ёки узок муддатда операция қилинган беморларнинг 28-70% ида нажасни тутолмаслик, туширилган ичак ретракцияси, анастомоз соҳасининг стенози ёки етишмовчилиги, анал каналнинг чандикланишига олиб келучи шаклдаги асоратлар юзага келади. Ушбу асоратларни коррекция қилиш учун қайта реконструктив-пластик аралашувлар ва реабилитация талаб этади. Болаларда Гиршпрунг касаллигининг шаклидан қатъий назар, колостаз ва ич қотиши, шунингдек операциядан кейинги юқоридаги асоратлар болаларнинг нормал жисмоний ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллардир². Юқорида келтирилган маълумотлар болаларда Гиршпрунг касаллиги ва унинг асоратларини бўйича муаммолар жуда долзарб бўлиб, ушбу соҳа мутахассислари орасида илмий ва амалий жихатдан юқори қизиқиш уйғотмоқда.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда болаларда Гиршпрунг касаллигини хирургик даволаш ва реабилитация қилиш бўйича илмий асосланган клиник протоколларни ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган тадқиқотлар долзарб бўлиб қолмоқда, болаларда бир босқичда амалга ошириладиган минимал инвазив усул сифатида ТЕРТ/TERPT (transanal endorectal pull-through) ва косметик жиҳатдан устунликка эга бўлган SILEP (single-incision laparoscopic endorectal pull-through) амалиётларини жорий қилиш ҳамда натижаларини анъанавий амалиётлар билан таққослаш бўйича тадқиқотлар давом эттирилмоқда, ташрихдан кейинги Гиршпрунг ассоцирланган энтероколит (НАЕС) асорати ривожланишини олдиндан башоратлаш учун прогностик моделлар ишлаб чиқилмоқда, ташрихдан кейинги узок даврда ичакларнинг функционал ҳолати ҳамда болаларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичларини баҳолаш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари ташхислаш ва хирургик даволашнинг замонавий тамойиллари ва усулларини жорий этиш орқали болаларда Гиршпрунг

¹ Schäppi M.G. et al. A practical guide for the diagnosis of primary enteric nervous system disorders // Journal of pediatric gastroenterology and nutrition. - 2013. - P. 677-686.

²Hei Ha J.L., Hang Lui V.C., Hang Tam P.K. Embryology and anatomy of Hirschsprung disease // Semin. Pediatr. Surg. 2022 Dec;31(6):151-7.

касаллигини даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни ўз ичига олади. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, болаларда Гиршпрунг касаллигида операциядан кейинги асоратларни эрта ташхислаш ва хирургик коррекция натижаларини яхшилаш, ушбу патологиянинг юқори тиббий-ижтимоий аҳамияти туфайли болалар хирургиясининг, ва умуман олганда, тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги ПФ-88-сон «Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябридаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансформация қилиш, худудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2023 йил 08 сентябрдаги ПҚ-296-сон «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Гиршпрунг касаллиги болаларда йўғон ичакнинг мураккаб нуқсонларидан бўлиб, уни коррекцияловчи операциялардан кейинги асоратлар ва касалликнинг қайталаниш хавфи юқори. Ушбу нуқсонни даволашда эришилган ютуқларга қарамай, ҳал қилиниши керак бўлган мунозарали масалалар қолмоқда, уларга қуйидагилар киради: касалликнинг турли шакллари ва босқичларида анъанавий ёки юқори технологияли жарроҳлик аралашувларини амалга ошириш учун кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларга аниқлик киритиш, дастлабки бажарилганқорин-оралиқ проктопластикаларидан кейин, такрорий реконструктив пластик операция амалиётини ўтказиш усули ва услубларини танлаш^{4,5}. Қорин-оралиқ проктопластикаларидан кейинги умумий асоратлар бирламчи хирургик операция натижаларини танқидий таҳлил қилишни талаб қилади. Операциядан кейинги асоратларни келтириб чиқарадиган қониқарсиз даволаш натижаларининг сабабларини аниқлаш асоратлар турига,

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

⁴ Дубровская М.И., Паршина П.В. Актуальные вопросы развития запоров у детей, подходы к терапии // Вопросы современной педиатрии. - 2012. - Т.11. - №1. - С. 76-82.

⁵ Каган А.В., Котин А.Н., Караваева С.А., Кесаева Т.В. Проблемы диагностики болезни Гиршпрунга новорождённых: Клинические примеры // Педиатр. - 2020. - Т. 11. (1). - С. 83-90.

беморларнинг ёшига, шунингдек Гиршпрунг касаллигининг бирламчи шакли ва босқичига қараб такрорий реконструктив операциялар учун кўрсаткичларни аниқлашга имкон беради^{6,7,8}.

Операциядан кейинги асоратларни коррекция қилиш учун тавсия этилган мавжуд реконструктив пластик аралашувларнинг хилма-хиллиги, бирламчи аралашув пайтида йўғон ичакда аганглионар соха қолганлигини эътиборга олиб, унинг қайта мобилизацияси ва соғлом сохагача резекцияси ва туширилишига қаратилган мақсад бўлиши лозим. Реконструктив аралашувлар, шунингдек, операциядан кейинги анал инконтиненциянинг сабаби бўлган ректал сфинктер мажмуасининг шикастланган анатомик тузилмаларини тиклашга қаратилган.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, болалар жарроҳлиги амалиётига янги кам инвазив технологияларнинг кенг ва кундалик жорий этилиши Гиршпрунг касаллигида амалга оширилган жарроҳлик аралашувларнинг травматик хусусиятини сезиларли даражада камайтирди ва операциядан кейинги асоратлар улушини камайтирди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, жарроҳлик тактикасининг кўплаб фундаментал масалалари ва болаларда Гиршпрунг касаллигининг турли шаклларида видео лапароскопик аралашувни қўллаш кўлами ҳал қилинмаган ва ушбу бемор популяциясида кам инвазив технологиялардан фойдаланиш кўрсаткичларини оқилона ва асосли аниқлашни талаб қилади. Шу муносабат билан даволаш ва диагностика тактикасини такомиллаштириш ва Гиршпрунг касаллиги билан оғриган беморларни жарроҳлик даволаш натижаларини сезиларли даражада яхшилайдиган турли хил жарроҳлик аралашувлар учун асосли кўрсаткичларни ишлаб чиқиш зарурлиги аён бўлди^{9,10,11,12}.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси мувофиқ 01980006703-сон “Болаларда туғма нуқсонларни ва орттирилган касалликларни таҳислаш, даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш” илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда Гиршпрунг касаллигида операциядан кейинги асоратларни эрта ташҳислаш ва хирургик коррекция натижаларини

⁶ Ким Л.А., Рыжов Е.А., Фёдоров А.К. Из истории детской хирургии. Болезнь Гиршпрунга // Детская хирургия. - 2011. - №6. - С. 54-56.

⁷ Gross E.R., Geddes G.C., Mc Carrier J.A. et al. Skip segment Hirschsprung disease and Waardenburg syndrome // J Pediatr. Surg. Case Rep. 2015;3(4):143-145.

⁸ Violani C., Grano C., Fernandes M., Prato A.P. The Transition of Care for Patients with Anorectal Malformations and Hirschsprung Disease: A European Survey // Eur. J. Pediatr. Surg. - 2023. - Jun;33(3):191-197.

⁹ Bawazir O.A. Laparoscopic-Assisted Transanal Pull-Through in Hirschsprung Disease: Does Laparoscopic Dissection Minimize Anal Overstretching? // J. Laparoendosc. Adv. Surg. Tech A. - 2020 Mar;30(3):338-343.

¹⁰ Ionov A.L., Gogina A.A., Sulavko Ya.P. Secondary interventions after surgical treatment of Hirschsprung's disease in children // Detskaya khirurgiya (Russian Journal of Pediatric Surgery) 2017; 21(1): P. 42-46. (In Russ.).

¹¹ Geraskin A.V., Dronov A.F., Smirnov A.N. Atlas of Abdominal and Perineal Surgery in Children. [Khirurgiya zhivota i promegnosti u detey] // Moscow: GEOTAR-Media; 2012. (in Russian).

¹² Levitt M.A., Hamrick M.C., Eradi B., Bischoff A., Hall J., Pena A. Transanal, full-thickness, Swenson-like approach for Hirschsprung disease // J. Pediatr. Surg. 2013; 48(11): P. 2289-95.

яхшилашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари.

болаларда Гиршпрунг касаллигида бирламчи бажарилган қорин-оралиқ проктопластикаларининг ретроспектив таҳлилини ўтказиш;

Гиршпрунг касаллигида болаларни хирургик даволашнинг турли усуллари ва услубларида операциядан кейинги асоратлар ва касалликнинг қайталаниш сабабларини ўрганиш;

болаларда Гиршпрунг касаллигида такрорий операциялар самарадорлигини оширишга ва касалликнинг қайталанишини олдини олишга ёрдам берувчи, операциядан кейинги асоратларини хирургик коррекция усуллари танилашни асослаш;

болаларда Гиршпрунг касаллигида операциядан кейинги асоратларни хирургик коррекциясининг яқин ва узоқ муддатдаги натижаларини ўрганиш ва беморларнинг ҳаёт сифатини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти 2020-2025 йилларда ТошПТИ клиникасида Гиршпрунг касаллигининг турли шакллари туфайли стационар равишда даволанган 4 ойдан 18 ёшгача бўлган 266 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети Гиршпрунг касаллигининг турли шакллари билан даволанган бемор болаларни даволашнинг яқин ва узоқ муддатлардаги натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, лаборатор, инструментал, махсус ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болаларда Гиршпрунг касаллигида қорин-оралиқ проктопластика натижалари етарли клиник материалда таҳлил қилинган ва операциядан кейинги асоратларнинг бирламчи бажарилаган усулга қараб асосий сабаблари – дастлабки коррекция усулининг асоссиз танланганлиги, тактик ва операция пайтидаги хатоликлар ҳамда йўғон ичакнинг носоғлом қисмини резекция қилиш орқали гипогангиоз соҳанинг қолдирилиши эканлиги аниқланган;

Гиршпрунг касаллиги қайталанганда агангиознинг қолдиқ соҳасини аниқлаш учун йўғон ичакнинг турли соҳаларидан эндоскопик биопсияси учун кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар такомиллаштирилган;

болаларда Гиршпрунг касаллигида операциядан кейинги асоратларни тубдан реконструктив коррекция қилиш усуллари танилашда аноректал соҳа анатомик бирлиги ва сфинктер-мушак мажмуасини тиклашга қаратилган аралашувлар энг мақбул эканлиги асосланган;

Гиршпрунг касаллиги бўлган болаларда ўтказилган такрорий реконструктив коррекция амалиётларидан сўнг амалга ошириладиган консерватив терапия ва реабилитациянинг индивидуаллаштирилган усуллари клиник самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болаларда Гиршпрунг касаллигида операциядан кейинги асоратларни юқори аниқлик билан ташҳислашга ҳамда оптимал реконструктив-пластик

аралашувни танлашга имкон берувчи ташхисот мажмуаси таклиф қилинган;

болаларда Гиршпрунг касаллигида қорин-оралиқ проктопластикасидан кейинги асоратларни реконструктив коррекция қилишнинг операция пайтидаги ва операциядан кейинги асоратларнинг нисбатини камайтиришга, қайта хирургик даволашнинг яқин ва узоқ муддатдаги натижаларини сезиларли даражада яхшилашга имкон берувчи оптимал усул ва услублари тавсия этилган;

болаларда Гиршпрунг касаллигида амалга оширилган қайта реконструктив коррекция ташрихларидан сўнг ўтказиладиган индивидуаллаштирилган консерватив терапия ва реабилитация дастурлари ишлаб чиқилган.

Гиршпрунг касаллиги бўлган болаларда қорин-оралиқ проктопластикасидан кейинги асоратларни даволашдаги комплекс ёндашув, реконструктив аралашувлар, физиотерапия муолажалари ва реабилитация чоралари нафақат даволанишнинг бевосита ва узоқ муддатли натижаларини, балки ҳаёт сифатини ҳам яхшилаши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонларини, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари қўллаш, методологик ёндашувлар ва статистик таҳлил тўпламларини тўғри қўллаш билан асосланган. Тадқиқот етарли миқдордаги клиник материалда ўтказилган. Олинган натижаларга статистик ишлов бериш уларнинг ишончлилигини тасдиқлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва берилган тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, болаларда Гиршпрунг касаллигида оптимал реконструктив-пластик аралашувни танлашга боғлиқ ҳолда асоратлар ривожланиши хавфининг клиник ва тактик-техник жиҳатлари ҳамда оператив аралашувларнинг тактик-техник жиҳатлари, ташрихгача тайёргарлик, шунингдек ташрихдан кейинги даврни олиб бориш ва реабилитация қилиш борасидаги мавжуд билимларни кенгайтиришга муҳим ҳисса қўшганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар асосида Гиршпрунг касаллигида болаларда қорин-оралиқ ва эндоректал проктопластикадан кейинги асоратларнинг реконструктив коррекция усуллари ва услубларини такомиллаштирилганлиги, операциядан кейинги асоратларни юқори аниқлик билан ташхислашга ҳамда оптимал реконструктив-пластик аралашувни танлашга имкон берувчи ташхисот мажмуаси таклиф қилинганлиги ва амалга оширилган қайта реконструктив коррекция ташрихларидан сўнг ўтказиладиган индивидуаллаштирилган консерватив терапия ва реабилитация дастурлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 19-сонли йиғилиш баённомасига асосан

илмий – тадқиқот ишларини натижаларини амалиётга тадбиғи бўйича хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: болаларда Гиршпрунг касаллигида қорин-оралиқ проктопластика натижалари етарли клиник материалда таҳлил қилинган ва операциядан кейинги асоратларнинг бирламчи бажарилаган усулга қараб асосий сабаблари – дастлабки коррекция усулининг асосиз танланганлиги, тактик ва операция пайтидаги хатоликлар ҳамда йўғон ичакнинг носоғлом қисмини резекция қилиш орқали гипоганглиоз соҳанинг қолдирилиши эканлиги аниқланганлиги Республика перинатал марказ Неонатал хирургия бўлими амалиётига директорнинг 2025 йил 27 март №122-сонли буйруқ ҳамда Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали клиникаси Хирургия бўлими амалиётига Бош шифокорнинг 2025 йил 27 мартдаги 10-I-сонли буйруқ билан жорий этилган. Ижтимоий самарадорлиги: таклиф этилган Гиршпрунг касаллигида лапароскопик зинапоясимон биопсия олиш ва ташҳисни аниқлик даражасини оширувчи балл шкаласига асосланган дастур касалликка тўғри ташҳис қўйишга ва ичак резекция кўламини тўғри аниқлашга имкон яратган, бу орқали операция натижасини, ҳамда энг асосийси ҳаёт сифатини яхшилашга эришилган. Иқтисодий самарадорлиги: лапароскопик ассистентлик орқали Swenson усулида аганглионар соҳасини резекция қилиш, Гиршпрунг касаллигининг ректал ва ректосигмоид шаклларида 17 (7,4%) нафар беморларда бирламчи операция сифатида амалга оширилган. Йўғон ичак рекзекция кўламини аниқлашда зинапоясимон биопсия натижаларига асосланиб нормоганглиоз соҳага аниқлик киритилган. Ушбу беморларда ўтказилган операциялар натижасида нормал дефекация ҳаракати тикланишига, уларнинг жамиятдаги ижтимоий мослашувини яхшилашга эришилган. Хулоса: шундай қилиб Гиршпрунг касаллигида операциядан кейинги асоратлар фоизини камайтириш учун операция усули тўғри танланиши ва резекция кўламини аниқлаш учун зинапоясимон биопсия олиш шарт ва зарурлиги илмий асосланган.

иккинчи илмий янгилик: Гиршпрунг касаллиги қайталанганда аганглиознинг қолдиқ соҳасини аниқлаш учун йўғон ичакнинг турли соҳаларидан эндоскопик биопсияси учун кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар такомиллаштирилганлиги Республика перинатал марказ Неонатал хирургия бўлими амалиётига директорнинг 2025 йил 27 март №122-сонли буйруқ ҳамда Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали клиникаси Хирургия бўлими амалиётига Бош шифокорнинг 2025 йил 27 мартдаги 10-I-сонли буйруқ билан жорий этилган. Ижтимоий самарадорлиги: лапароскопик ассистентлик орқали амалга оширилган Swenson усули билан 17 нафар беморда Гиршпрунг касаллиги бартараф этилган бўлиб, шундан 11,7% ҳолатида яъни 1 нафар беморда туширилган ичак қисман ретракцияси ва 1 нафарида энтероколит аломатлари кузатилган. Қлинган консерватив даво чоралари орқали бу асоратлар бартараф этилган ва беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланишига эришилган. Иқтисодий самарадорлиги: болаларда лапароскопик ассистентлик билан бажарилган операциялардан кейин беморларнинг тез оёққа туриши,

реанимация бўлимида узок қолиб кетмаслиги, ўз навбатида касалхонада ўтказилган ётоқ кунларининг ўртача кўрсаткичини қисқаришига ва $10,45 \pm 0,59$ ётоқ кунни ташкил этиши аниқланди. Қорин оралиқ проктопластика операцияларидан кейин бу кўрсаткич $17,68 \pm 0,64$ ётоқ-кунни ташкил қилди. Касалхонада беморнинг 1 ётоқ-кун учун даволаниш харажати 133238 сўмни ташкил этади. лапароскопик асистентлик билан бажарилган операциялардан кейин беморларнинг касалхонада умумий даволаниш харажатлари ўртача - $10,45 \times 133238 = 1392337$ сўмни, қорин оралиқ проктопластика операцияларидан кейин эса - $17,68 \times 133238 = 2355647$ сўмни ташкил этди. Бундан кўришиб турибдики, асосий гуруҳдаги 1 нафар бемор учун иқтисодий самарадорлик 963210 сўмни ташкил қилган. Хулоса: шундай қилиб, болаларда Гиршпрунг касаллигини даволашда минимал инвазив, ҳамда лапароскопик асистентлик орқали амалга оширилган қорин-оралиқ проктопластикаларга устунликка эга эканлиги исботланган, чунки кам шикастлилиги, физиологик аралашув нуқтаи назаридан энг самарали ҳисобланади. Лапароскопик асистентлик орқали амалга оширилган Swenson усулининг иқтисодий самарадорлиги, энг аввало косметик эффективлиги, операциядан кейинги асоратлар фойзининг камлиги, беморларни стационарда бўлиш муддатини қисқариши, уларнинг тез оёққа туриши каби кўрсаткичлар ҳисобланади.

учинчи илмий янгилик: болаларда Гиршпрунг касаллигида операциядан кейинги асоратларни тубдан реконструктив коррекция қилиш усуларини танлашда аноректал соҳа анатомик бирлиги ва сфинктер-мушак мажмуасини тиклашга қаратилган аралашувлар энг мақбул эканлиги асосланганлиги Республика перинатал марказ Неонатал хирургия бўлими амалиётига директорнинг 2025 йил 27 март №122-сонли буйруқ ҳамда Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали клиникаси Хирургия бўлими амалиётига Бош шифокорнинг 2025 йил 27 мартдаги 10-И-сонли буйруқ билан жорий этилган. Ижтимоий самарадорлиги: операциядан кейинги яқин ва узок муддатдаги натижаларни таҳлил қилишда ишлаб чиқилган дастур асосида таҳлил қилинганда: болаларда Гиршпрунг касаллигида операциядан кейинги асоратлар хирургик коррекциясининг натижаси таҳлили, яқин даврда 93,7% холталарда яхши ва қониқарли натижа олинганини, узок муддатдаги даврда 87,4% ташкил этганлиги аниқланган. Иқтисодий самарадорлиги: болаларда Гиршпрунг касаллигида даволаш натижаларини балл шкаласи бўйича баҳолаш дастурининг афзал томони ушбу дастурдан фойдаланишнинг қулайлиги, дастурдан нафақат шификорлар балки беморларнинг ота-оналари ҳам ўз мобил қурилмаларига ўрнатиб ўз фарзандида кузатилаётган симптомларни белгилаш орқали натижани таҳлил қилиши мумкин. Бу орқали беморга ўз вақтида амбулатор ёки стационар даво ўтказиш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини ва турмуш тарзини яхшилаш мумкин. Хулоса: Ўтказилган тадқиқотлар ва олинган натижалар асосланган ҳолда “Болаларда Гиршпрунг касаллигида даволаш натижаларини балл шкаласи бўйича баҳолаш” номли Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигида 2025 йил 16 апрел санаси билан рўйхатдан ўтган гувоҳнома олинган. Ҳозирги сунъий интелект яратиш бўйича

кўплаб тадбирлар олиб борилаётган бир пайтда, ушбу дастурнинг яратилиши болаларда Гиршпрунг касаллигини даво натижаларини тўғри ва қисқа муддатларда балл шкаласи ёрдамида баҳолаш имконини беради. Баҳолаш параметрида келтирилган текшириш усуллари ва беморда кузатилаётган қабзият, инконтиненция ёки хаёт тарзини қай даражада ўзгаришини аниқлаш ва дастурга белгилаш ва натижа тугмасини босишнинг ўзи кифоя. Дастур нафақат беморда операция натижасини, балки кейинги қилиниши лозим бўлган чора тадбирлар режасини тавсия этади.

тўртинчи илмий янгилик: Гиршпрунг касаллиги бўлган болаларда ўтказилган такрорий реконструктив коррекция амалиётларидан сўнг амалга ошириладиган консерватив терапия ва реабилитациянинг индивидуаллаштирилган усуллари клиник самарадорлиги исботланганлиги Республика перинатал марказ Неонатал хирургия бўлими амалиётига директорнинг 2025 йил 27 март №122-сонли буйруқ ҳамда Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали клиникаси Хирургия бўлими амалиётига Бош шифокорнинг 2025 йил 27 мартдаги 10-И-сонли буйруқ билан жорий этилган. Ижтимоий самарадорлиги: 38 нафар беморларда консерватив даво олиб боришда “Bowel managment” (University of Colorado School of Medicine. 2025) дан фойдаланган ҳолда ҳар бир беморга аниқланган асоратларнинг характериға қараб индивидуал тарзда даво ишлаб чиқилган. Яъни анастомоз соҳасида 11 нафар беморда стеноз аниқланган, ушбу беморларға консерватив даволаш чора-тадбирлар комплексиға қуйидагилар киритилган: анал тешик чандиқли торайишида калибрловчи бужлаш (бужлаш давомийлиги стеноз даражаси ва узунлигиға боғлиқ), ич сурувчи воситалар ёшиға ва брестоль шкаласи бўйича 3 ва4 типдаги нажас олгунға қадар дозалар индивидуал тарзда олиб борилди. Ушбу комплекс тарзда олиб борилган консерватив даво чораларини қўллаш орқали беморлар ўзларини жамиятда эркин тутишиға ва ижтимоий мослашувини яхшиланишиға эришилди. Иқтисодий самарадорлиги: қайта коррекцияловчи даво чоралари ўтказилган 98 нафар беморларнинг яқин давр натижалари таҳлил қилинганда қуйидаги натижалар олинди. 38 нафар консерватив даво олиб борилган беморларда тўлиқ шифокор назорати ва ота-оналарға реабилитация чораларни ўз вақтида олиб бориш лозимлиги бўйича тушинритиш ишлари олиб борилганлиги, даво ўз вақтида тўғри олиб борлиши оқибатида 33 (86.8%) нафар беморларда яхши ва қониқарли натижаларға эришилди. 5 (13.2%) нафар беморларда қониқарсиз натижа сабалари, анастомоз соҳасидаги стенознинг бужлаш орқали тўлиқ баргараф этилмаганлиги, давом этувчи энтероколит ва сурукали колостаз эканлиги аниқланди. Ушбу беморларға реабилитация жараёнларни давом эттириш лозим топилган. Хулоса: шундай қилиб, Гиршпрунг касаллигида ҳаёт сифатини яхшилашға қаратилган консерватив терапия ва реабилитация қилишнинг самарали комплекс усулини қўллаш орқали яқин ва узок муддатдаги даврда яхши натижаға эришиш мумкин. Шифокор ва ота-оналарнинг бир олиб бориладиган ҳамжихат ҳаракати орқали беморларни тез оради нормал ҳаёт тарзига қайтариш мумкин ва ногиронлик фоизини

камайтиш имкониятига эга бўлинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та ҳалқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 162 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Болаларда Гиршпрунг касаллиги ва унинг асоратларини ташхислаш ва даволашнинг долзарб муаммолари"** (адабиётлар шарҳи) деб номланган биринчи бобида мавжуд илмий адабиётлар таҳлил қилиниб, болаларда Гиршпрунг касаллигида сурункали колостозни юзага келиш сабаблари, дефекацияни бошқарилиш жараёни, кичик чаноқ асбаб тизими бошқарилиши, мавжуд классификациялар бўйича олимларнинг қарашлари кенг ёритилган. Гиршпрунг касаллигини ташхислашда инструментал текшириш усулларининг аҳамияти кенг ёритилган. Энг асосий текшириш усулларидан бири ирригоскопия рентген контраст текшириш усулининг муҳим аҳамиятлари, текшириш аниқлик коэффициенти ҳақида маълумотлар келтирилган. Ҳозирги кунда Гиршпрунг касаллигини ташхислашда ультратовуш текшириш усулининг аҳамияти, ушбу усулни ўтказиш тартиби ва олимларнинг қарашлари ва фикрлари келтирилган. Адабиётдаги олимларнинг маълумотларига таянган ҳолда мавжуд хирургик даво усулларининг авзалликлари ва камчиликлари келтирилган.

Диссертациянинг **«Клиник материал ва қўлланилган тадқиқот усулларининг тавсифи»** деб номланган иккинчи бобида Гиршпрунг касаллигини турли шакллари билан текширилган ва даволанган 266 та беморларни натижаларига асосланган. Гиршпрунг касаллиги шакллари билан аниқланган беморларнинг сони шуни кўрсатдики, касалликнинг ректал шакли болаларда энг кўп аниқланган, бу 158 (59,4%) ҳолатни ташкил этди, иккинчи энг кенг тарқалган касалликнинг ректосигмоид шакли бўлиб - 105 та (39,5%) беморларда аниқланган (1-жадвал).


Амалга оширилган 266 нафар бирламчи операцияларнинг 211 (79,3%) нафарини анъанавий қорин-оралиқ проктопластика, 38 (14,3%) нафарини

трансанал эндоректал проктопластика ва 17 (2,6%) нафарини кам инвазив лапароскопик ассистентлик орқали амалга оширилган хирургик даволар ташкил этди (1-расм.).

1-жадвал

Гиршпругн касаллиги шакллари ни ёшга нисбатан тақсимланиши

Ёши	Касаллик шакли						χ^2	
	Ректал		Ректосигмоидал		Субтотал			
	abs	M±m,%	abs	M±m,%	abs	M±m,%	χ^2	P
4 ой-3 ёш	85	31,95±2,86	77	28,95±2,78	3	1,13±0,65	74,327	0,000
4-7 ёш	60	22,56±2,56	21	7,89±1,65	0	0±0	18,778	0,000
8-11 ёш	11	4,14±1,22	6	2,26±0,91	0	0±0	1,471	0,225
12-18 ёш	2	0,75±0,53	1	0,38±0,38	0	0±0	0,333	0,564
P	χ^2 Пирсона = 12,640; p = 0,049							
Жами	158	59,4±3,01	105	39,47±3	3	1,13±0,65		
P	$\chi^2 = 139,992$; p = 0,000							



1-расм. Ўтказилган ташрих турлари

Гиршпругн касаллиги билан касалхонага ётқизилган беморларнинг умумий сонидан (266 ҳолат) 98 (36,8%) нафар беморларда нуқсонни бирламчи коррекциясидан кейин асоратлар қайд этилган, шулардан 36 (13,5%) нафар бемор яшаш жойида операция қилинган ва 62 (23,3%) нафар беморларда бирламчи операция бизнинг клиникамизда бажарилган. Энг кўп асорат 25 (25,5%) нафар кузатувда Soave қорин оралиқ проктопластикасидан кейин кўп кузатилган ҳолат, O. Swenson - 24 (24,4%) ҳолатда ва Soave-Лёнюшкина - 27 (27,5%) кузатувда аниқланган. Гиршпругн касаллиги бўйича бирламчи операция бажарилган ва операциядан кейинги асорат аниқланган 98 (62%)

нафар беморларнинг ретроспектив ва клиник таҳлили ўтказилганда: 62 (63,3%) нафар беморларда бирламчи коррекция бизнинг клиникамизда ва 36 (36,7%) нафар беморларда қорин-оралиқ проктопластика амалиёти яшаш жойида амалга оширилганлиги аниқланди. (2-жадвал).

2-жадвал

Гиршпрунг касаллигида беморларга бажарилган бирламчи хирургик операциялардан кейин юзага келган асоратлар нисбати

Операциядан кейинги асоратлар	Операция услублари												Пирсон χ^2	
	O. Swenson бўйича ҚОП (n=48)		Soave бўйича ҚОП (n=62)		Soave-Болея бўйича ҚОП (n=19)		Soave-Лёнюшкин бўйича ҚОП (n=82)		De la Torre операцияси (n=38)		ЛА орқали ҚОП (n=17)			
	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	X2	P
Анастомоз соҳа стенози (n=24)	8	8,16	6	6,12	2	2,04	5	5,10	3	3,06	0	0,00	6,101	0,297
Туширилган ичак ретракцияси (n=10)	1	1,02	0	0,00	4	4,08	4	4,08	0	0,00	1	1,02	20,479	0,001
Энтероколит (n=14)	2	2,04	6	6,12	1	1,02	3	3,06	1	1,02	1	1,02	3,503	0,623
Анал инконтиненция (n=14)	8	8,16	6	6,12	3	3,06	6	6,12	1	1,02	0	0,00	8,377	0,137
Анастомоз етишмовчилиги (n=6)	0	0,00	3	3,06	1	1,02	0	0,00	1	1,02	1	1,02	6,694	0,244
Сурункали колостаз рецидиви (n=20)	5	5,10	4	4,08	0	0,00	9	9,18	2	2,04	0	0,00	5,295	0,381
Жами	24	24,49	25	25,51	11	11,22	27	27,55	8	8,16	3	3,06		

Аниқланган асоратларни нисбатини кўриб чиқсак, анастомоз соҳа стенози 24 нафарида, туширилган ичак ретракцияси 10 та ҳолатда, энтероколит 14 та кузатувда, анал инконтиненция 24 тасида, анастомоз етишмовчилиги 6 ҳолатда ва сурункали колостазнинг қайталаниши 20 нафарида кузатилган.


Гиршпрунг касаллигига ташҳис қўйишда қўлланиладиган лаборатор ва инструментал текшириш усуллари қанча беморларда қилинганлиги ва бу усуллари бажарилиш техникалари бўйича маълумотлар келтирилган. Махсус инструментал тадқиқот усуллари ТошПТИ клиникасида даволанган 230 нафар беморларга амалга оширилган ва бу текшириш мажмуасига қуйидагилар кирган: ирригография орқали тўғри ичак-йўғон ичак индексини аниқлаш (тўғри ичак диаметрининг йўғон ичак пастга тушувчи қисми максимал кенг жойининг диаметри нисбати), сфинктерометрия сфинктер мушакларининг ректоанал ингибитор рефлексини аниқлаш, эркин қисқариш кучини, анал каналнинг узунлиги ва ректал сезувчанлик чегарасини аниқлаш амалга оширилган. O. Swenson усули ёрдамида тўғри ичак ва сигмасимон ичак деворининг бир нечта нуқталаридан диагностик нарвонсимон биопсия ўтказилган. Нарвонсимон биопсияси пайтида йўғон ичакнинг турли қисмларининг сероз-мушак жойларидан биопсия намуналари олинди, улар 67 та беморда ўтказилган.

Муаллиф томонидан болаларда Гиршпрунг касаллигини аниқ ташҳислаш ва шифокорларга енгиллик яратиш мақсадида “Болаларда Гиршпрунг касаллигини балл шкаласи бўйича диагностик критерийлари” номли ЭХМ дастур яратилган ва ушбу дастурга Ўзбекистон Республикаси интеллектуал

мулк агентлигида 2024 йил 27 май санаси билан рўйхатдан ўтган №DGU 38839 рақамли гувоҳнома олинган. Дастур касалликка аниқ ташҳис қўйиш имконини беради ва ушбу боб даструни қандай ишга тушириш ва фойдаланиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда Гиршпрунг касаллиги ва унинг операциядан кейинги асоратларини клиник хусусиятлари ва инструментал диагностикаси**» деб номланган учинчи бобида, Гиршпрунг касаллигининг шакли, босқичи ва операциядан кейинги асоратларга кўра клиник тавсифи ёритилган. Ушбу бўлимда беморларнинг анамнези кенгрок ёритилган, 266 та беморларнинг 209 (78,6%) тасида анамнестик маълумотлар йиғилганда уларда қабзият ва сурункали колостаз мавжудлиги аниқланди. 87 (32,7%) та беморларда 3-4 кун давомида нажас келмаслик қайд этилди. Бундан ташқари, узоқ муддатли колостаз 42 (15,7%) та беморларда нажас интоксикацияси ҳисобига: холсизлик, заифлик, иштаҳанинг сустиги ва баъзи ҳолларда асабийлашиш каби аломатлар намоён бўлганлиги келтирилган.


Рентген контрастли тадқиқот натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу тадқиқотларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, кўпчилик беморларда (91,4% ҳолларда) йўғон ичакнинг спастик тор дистал торайиши мавжудлиги бўлиб, ичакнинг торайиш даражаси эса касалликнинг давомийлигига боғлиқлиги аниқланган. Касалликнинг ректал шакллари бўлган 158 (59,3%) та беморларда рентген контраст текшируви ректал индексни (ўртача $2,2 \pm 0,16$) аниқлаш ва ретроректал бўшлиқ ҳажмини ўлчаш имконини берган. Шу билан бирга, Гиршпрунг касаллигининг ректал ва қисқа сегментли шаклларида 49 (18,4%) та беморларда ирригография маълумотлари бўйича анал каналнинг жуда кенглиги (ўртача $0,21 \pm 0,04$) ва сигмасимон ичакнинг дистал қисмларида 25% дан юқори сезиларли кенгайганлигини кўрсатган (2-расм).



2-расм. Полипозицион ирригография. Йўғон ичак дилатацияси билан кечувчи иккиламчи мегаколон, гаустрация текисланган, контрастдан бўшатилиши 40% (Бемор К.О., 9 ёш, к/т №2164/1215).

Тадқиқотда ультратовуш текширувининг муҳим афзалликларини кўрсатган, яъни ушбу тадқиқот усули зарарсизлиги, боланинг танасига радиация бўлмаслиги, фойдаланиш муддати ва частотаси бўйича чекловлар ва қарши кўрсатмаларга эга эмаслиги, етарли даражада маълумот бериши ва энг

муҳими мамлакатимиздаги барча тиббиёт муассасаларида кенг фойдаланиш имконияти мавжудлигидир (3-расм.).



3-расм. Тўғри ичак зарарланган соҳа деворининг эхотасвири.


Гиршпрунг касаллигида ректал ва ректосигмоиднал шаклларида операциядан олдин қилинган анал сфинктерометрия натижалари шуни кўрсатдики, ёш бўйича тахлил қилинганда, 3-7 ёш оралиғида тинч пайтдаги ўртача босим $28,0 \pm 2,0$ мм.сим.уст. дан $33,8 \pm 2,1$ мм.сим.уст. гача, максимал қисқариш босими $59,6 \pm 2,9$ мм.сим.уст. дан $65,5 \pm 1,06$ мм.сим.уст. гача кўрсаткичлар олинди. Шу билан бирга, 8-14 ёшдаги беморларда бу кўрсаткичлар қуйидаги натижаларга тўғри келди: тинч пайтдаги ўртача босим $74,5 \pm 2,3$ мм.сим.уст. дан $86,1 \pm 1,07$ мм.сим.уст. гача бўлган; Максимал қисқариш босими $104,5 \pm 2,3$ мм.сим.уст. дан $136,1 \pm 1,07$ мм.сим.уст. гача эканлиги аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал.


Болаларда Гиршпрунг касаллигининг шакли ва беморнинг ёшига нисбатан операциядан олдинги даврда сфинктерометрия кўрсаткичлари

Касаллик шакли	3-7 ёш		8-14 ёш	
	Тинч пайтдаги ўртача босим (мм сим. уст.)	Қисқариш пайтидаги максимал босим (мм сим. уст.)	Тинч пайтдаги ўртача босим (мм сим. уст.)	Қисқариш пайтидаги максимал босим (мм сим. уст.)
Ректал шакли	$28,0 \pm 2,0$	$59,6 \pm 2,9$	$74,5 \pm 2,3$	$104,5 \pm 2,3$
Ректосигмоидал шакли	$33,8 \pm 2,1$	$65,5 \pm 1,06$	$86,1 \pm 1,07$	$136,1 \pm 1,07$

49 та олинган препаратларда шиллиқ қаватнинг ўз пластинкасида лимфо-плазма-гистиоцитик инфильтрация ва кўп сонли майда нерв толаларининг шиллиқ қаватига кирганлиги аниқланган. Операция бўлган барча беморларда резекция қилинган ичак бўлимларидан морфологик текширув ўтказилган, чунки бу беморларда илгари ўтказилган тадқиқотлар Гиршпрунг касаллигининг тўғрилигига шубҳа туғдирмаслиги учун амалга оширилган (4-расм).



ГЭ. Х40. Чуқур шиллиқ қават эпителийси сақланган, безлар бир хил типдиги. Асаб хужайралри аниқланмайди.



Calretin. ИГХ. Мейснер нерв чигаллари аниқланмайди.

4-расм. Йўғон ичак шиллиқ қаватининг пластинкасида лимфо-плазматический инфильтрация ва кўп сонли майда нерв толаларининг шиллиқ қаватига кирганлиги.

Диссертациянинг тўртинчи боби «Болаларда Гиршпрунг касаллигида қорин оралиқ проктопластикаларидан кейинги асоратлар коррекцияси»га бағишланган. Гиршпрунг касаллигида беморларда 228 нафарда анъанавий қорин-оралиқ проктопластика операцияларининг қуйидаги усулларини амалга оширилган: О. Swenson, Soave, Soave-Болея ва Soave-Лёнюшкин, шунингдек, О. Swenson услубига кўра лапороскопик ассистентлик орқали ичак проктопластикаси аралашувлари (4-жадвал).

4-жадвал

Гиршпрунг касаллигининг шаклига кўра бажарилган анъанавий ва лапороскопик ассистентлик орқали амалга оширилган қорин оралиқ проктопластикалар сони

Операция услуби	Касаллик шакли					
	Ректал		Ректо-сигмоидал		Субтотал	
	abs	M±m,%	abs	M±m,%	abs	M±m,%
О. Swenson бўйича ҚОП	43	18,86±2,59	5	2,19±0,97	0	0±0
Soave бўйича ҚОП	59	25,88±2,9	3	1,32±0,75	0	0±0
Soave-Болея бўйича ҚОП	18	7,89±1,79	1	0,44±0,44	0	0±0
Soave-Лёнюшкин бўйича ҚОП	10	4,39±1,36	69	30,26±3,04	3	1,32±0,75
О. Swenson услубига кўра лапороскопик ассистентлик бўйича ҚОП	7	3,07±1,14	10	4,39±1,36	0	0±0
Р	$\chi^2 = 74,788; p = 0,000$		$\chi^2 = 190,182; p = 0,000$		СНВ	
Р	χ^2 Пирсона = 140,627; p = 0,000					
Жами	137	60,09±3,24	88	38,6±3,22	3	1,32±0,75
Р	$\chi^2 = 120,974; p = 0,000$					

De La Torre-Mondragon бўйича трансанал эндоректал проктопластика операцияси 38 нафар беморларда бажарилган бўлиб, натижалар таҳлилида 30

тасида (78,9 %) кузатувда яхши ва қониқарли натижалар кузатилган. Фақат 8 (21,2%) нафар ҳолатда қониқарсиз натижа қайд этилган, шуларнинг 4 нафарида қуйидаги асоратлар: анастомоз соҳа етишмовчилиги (1 та кузатув), анастомоз соҳа стенози (1 та кузатув) ва сурункали колостазнинг қайталаниши (2 та кузатув) туфайли такрорий реконструктив пластик жарроҳликка сабаб бўлган.

Лапароскопик ассистентлик орқали Swenson усулида аганглионар соҳасини резекция қилиш, Гиршпрунг касаллигининг ректал ва ректосигмоид шаклларида 17 (7,4%) нафар беморларда бирламчи операция сифатида амалга оширилган. Болаларда лапароскопик ассистентлик билан бажарилган операциялардан кейин беморларнинг тез оёққа туриши, реанимация бўлимида узоқ қолиб кетмаслиги, ўз навбатида касалхонада ўтказилган ётоқ кунларининг ўртача кўрсаткичини қисқаришига ва $10,45 \pm 0,59$ ётоқ кунни ташкил этиши аниқланди. Қорин оралик проктопластика операцияларидан кейин бу кўрсаткич $17,68 \pm 0,64$ ётоқ-кунни ташкил қилди. Касалхонада беморнинг 1 ётоқ-кун учун даволаниш харажати 133 238 сўмни ташкил этади. лапароскопик ассистентлик билан бажарилган операциялардан кейин беморларнинг касалхонада умумий даволаниш харажатлари ўртача - $10,45 \times 133238 = 1392337$ сўмни, қорин оралик проктопластика операцияларидан кейин эса - $17,68 \times 133238 = 2355647$ сўмни ташкил этди. Асосий гуруҳдаги 1 нафар бемор учун иқтисодий самарадорлик 963210 сўмни ташкил қилган.

Бирламчи амалга оширилган қорин-оралиқ проктопластикаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, уларни амалга оширгандан кейин асосий асоратлар: йўғон ичак резекцияси ҳажмини нотўғри танланиши оқибатида аганглиоз ёки гипоганглиознинг қолдиқ соҳаси (20 та ҳолат); ичак ретракцияси оқибатида тўғри ичак чуқур стенози (24 та ҳолат) ва бирламчи анастомоз етишмовчилиги (16 кузатувлар) эканлиги аниқланган. Бизнинг фикримизча, бу асоратларнинг барчаси, биринчи навбатда, жарроҳлик аралашувининг принципиал муҳим жихатларига риоя қилмаслик, шунингдек, беморларни операцияга яхши тайрламаслик ва операциядан кейинги даврдаги парваришнинг нотўғри ҳамда тўлиқ олиб борилмаганлигида деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, операциядан кейинги асоратларнинг аксарияти йўғон ичак нуқсонининг мураккаблигига, бирламчи аралашув усули, техникаси ва вақтига боғлиқдир. Шу муносабат билан Гиршпрунг касаллигида беморларда жарроҳлик даволаш усулини танлашни индивидуал бўлиши керак ва агар керак бўлса, ҳар бир бемор касалликнинг шакли ва босқичига қараб қатъий индивидуал ёндашиши керак.

Касалхонага ётқизилган 266 нафар беморлар умумий сонининг 98 (36,8%) нафарида турли хил асоратлар (анастомоз соҳа стенози; энтероколит; туширилган ичак ретракцияси; анал инконтиненция; анастомоз етишмовчилиги; сурункали колостаз рецидиви) кузатилган. Аниқланган ушбу асоратларда 38 нафарида консерватив даво, 27 нафарида чандиқни бартараф этиш, 7 тасида анал канал “ДАМ+” гель пластикаси амалиёти, 6 нафар ҳолатда сфинктеротомия, 6 тасида ички неосфинктер яратиш операцияси, ва 5 та беморда Soave ҚОП ва 9 нафар беморларда Soave-Болея бўйича ҚОП амалга оширилган (5- жадвал).

Гиршпрунг касаллигида операциялардан кейин юзага келган асоратларда бажрилган даво усуллари

Операциядан кейинги асоратлар	Бажрилган даво услублари														Пирсон χ^2	
	Консерватив		Чандикли баргараф этиш		Анал канал "ДАМ+" гелъ пластикаси		Сфинктер отомия		Ички неосфинктер яратиш		Soave ҚОП		Soave-Болея буйича ҚОП			
	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%		
Анастомоз соха стенози (n=24)	11	11,22	13	13,27	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	89,713	0,000
Туширилган ичак ретракцияси (n=10)	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	4	4,08	6	6,12	188,611	0,000
Энтероколит (n=14)	8	8,16	4	4,08	0	0,00	2	2,04	0	0,00	0	0,00	0	0,00	45,168	0,000
Анал инконтиненция (n=24)	8	8,16	5	5,10	7	7,14	0	0,00	4	4,08	0	0,00	0	0,00	123,737	0,000
Анастомоз етишмовчилиги (n=6)	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	2	2,04	1	1,02	3	3,06	78,527	0,000
Сурункали колостаз рецидиви (n=20)	11	11,22	5	5,10	0	0,00	4	4,08	0	0,00	0	0,00	0	0,00	77,071	0,000
Жами	38	38,78	27	27,55	7	7,14	6	6,12	6	6,12	5	5,10	9	9,18		

